# Хабар

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 20 февраль № 7 (287) ● Сотувда нархи эркин




*Бухоро шаҳарлараро телефон станциясининг телефончиси Шарифа ИСЛОМОВА буюртмаларни тез ва сифатли бажаради. Шу боис ҳам корхона маъмурияти унга станциянинг энг масъулиятли участкасини ишониб топширган.*

*Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат*

## ҲАММАМИЗГА БОҒЛИҚ ИШ

***Тошкент вилояти ҳокимлигида 1998 йилнинг баҳор фаслида юз бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг олдини олиш мақсадида эҳтиёт чораларини кўриш бўйича кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Йиғилишда вилоятнинг шаҳар ва туман ҳокимлари, корхоналар, ассоциациялар, ташкилотлар ва концернлар раҳбарлари қатнашди.***

Ўлкамизга кириб келаётган баҳор фақат қувончлар эмас, балки бир қатор ташвишлар ҳам олиб келиши мумкин бўлган фаслдир. Агар вақтида зарур эҳтиёт чоралари кўрилмаса, кўкламги ёмғирлар ёғиши, қорларнинг эриши натижасида сувларнинг кўпайиши, қор кўчиши ва сув тошқинлари юз бериши мумкин. Аҳолини бундай нохуш хавфдан огоҳлантиришнинг энг тезкор ва оқилона йўли радионуқталар орқали хабар беришдир.

Ўтган йилларда вилоятнинг айрим ҳудудларида рўй берган кўнгилсиз табиий офатлардан хулоса чиқариб, улардан ўз вақтида аҳолини огоҳлантиришнинг тезкор воситаларидан бири бўлган радиотармоқларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берила бошланди.

Бу борада Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигида 2005 йилгача мўлжалланган концепция ишлаб чиқилди. Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимининг қарори ҳамда «Тошкент телеком» акционерлик жамияти бош директорининг буйруғи ҳам табиий офат содир бўлганда аҳолини радио воситалари орқали тезда хабардор қилишга қаратилгандир.

«Тошкент телеком» акционерлик жамиятида ҳам амалий чора-тадбирлар бажарилмоқда. Ўтган йили фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги марказий курсларда электралоқа боғламаларининг 12 нафар раҳбарлари, 17 нафар бош муҳандислари, 15 нафар муҳандислари ўз малакаларини оширдилар. Радионуқталардан 10 мингтага яқини, электросиреналардан 28 таси, радиокарнайлардан 98 таси, марказлаштирилган чақирув пунктидан 143 таси қайта тикланди ва таъмирланди. Янгийўл, Тошкент, Зангиота ва Паркент туманларида ўқув-машғулотлари мажмуи ўтказилди. Аҳоли ва халқ хўжалиги иншоотларини фавқулодда вазиятлар пайдо бўлганда огоҳлантириш мақсадида овозли сигналлар берувчи алоқа воситаларини доимий иш ҳолатида бўлиши таъминланди. Ҳар бир электралоқа тармоғида тинч шароитда ва фавқулодда вазиятлар пайдо бўлганда, уларнинг олдини олиш ва йўқотиш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилган.

Шунга қарамай вилоятда фуқаролар ҳимояси иши бўйича бир талай камчиликлар ҳам мавжуд. Тошкент вилоятининг кўпгина туманлари сейсмик хавфли ҳудудда жойлашган. Уларнинг тоғ ва тоғ олди ерлари кўчки ва сув тошқинига мойилдир. Афсуски, бир нечта қишлоқ аҳоли масканларида телефон ўрнатилмаган, 83 та жамоа хўжаликлари радиолаштирилмаган, 28 та ташкилот ва корхоналарда ички телефон мавжуд эмас, хўжаликларда заҳира электр қуввати ишлаб чиқарадиган воситалар йўқ. Оҳангарон туманининг 33 та ва Пскент туманининг 27 та аҳоли масканида телефон ўрнатилмаган. Юқорида айтиб ўтганимиз — вилоят ҳокимининг қарори бўйича ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликларига жамоа хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларни телефонлаштириш ва радиолаштиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилган эди. Афсуски, кейинги пайтларда аҳоли яшайдиган жойларнинг кўпчилигида, айниқса одамлар гавжум жойларда радиокарнайлар ва радионуқталар олиб ташланган. Бугунги кунда радионуқталарни ўрнатиш унча катта харажат талаб қилмайди. Бу иш учун корхона, ташкилотлардан 600 сўм, аҳолидан 160 сўм олинади, холос. Радиодан фойдаланганлик учун бир ойга ташкилот ва корхоналар 80 сўм, шаҳарда яшаётганлар 16 сўм, қишлоқ аҳолиси эса 12 сўм тўлайдилар.

Фавқулодда ҳодисалар юз бериши мумкин бўлган ҳолларда аҳолини фалокатдан олдинроқ огоҳлантириш мақсадида шаҳар ва қишлоқларимизни радиолаштириш барчамиз учун зарур ҳамда фойдали ишдир.

***Мурод НАЗИРОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз,***
***Тошкент вилояти***

*● Таҳририятга хат*

## ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

Ассалому-алайкум ҳурматли «Хабар» газетаси ходимлари! «Хабар»ни қизиқиш билан ўқиб бораман. Ҳар бир сонини қизиқарли ва ранг-баранг чиқаришга интиляпсизлар. Айниқса, газета саҳифаларида алоқа соҳасининг жонкуяр фидойилари ҳақида чоп этилаётган мақолалар кўнглимиздагидек бўляпти. Мен ҳам алоқа соҳасида кўп йиллар ишлаган, ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам ўз соҳасига содиқ қолган бир инсон тўғрисида ҳикоя қилиб бериш мақсадида сизларга хат йўллаяпман.

Бу инсонни ўз касбининг устаси эмас, ўз соҳасининг санъаткори десам янглишмайман. Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатиб, 1975 йили Ғаллаорол электралоқа корхонасида муҳандис бўлиб иш бошлаган, устозларининг ишончини оқлаган бу инсон Норқул ака Қўлдошевдир. У 1983 йили туман электралоқа корхонасининг янги биносини қуришда биринчи ғиштидан тортиб то сўнгги мих қоқилгунча ўзини ҳам, қурувчиларни ҳам тиндирмаган жонкуяр инсон эди. Кейинчалик шу корхонада бош муҳандис ва корхона бошлиғи бўлди. Норқул ака масъулиятли вазифаларда ишлаганда ҳам камтарлигини, инсонийлигини, ишчиларига меҳр-муҳаббатини йўқотмади. Шу боис ҳам уни устози, туман корхонасида кўп йиллар бошлиқ бўлиб ишлаган Ғайбулла Жўлбеков, шогирдлари — Урол Қорамирзаев, Зафар Суюнов, Сергей Буковлар ҳамиша эҳтиром билан ёдга олишади. Мен ўзим ҳам Норқул аканинг шогирдлари сафига қўшилиб, устоз қўли остида тўрт йил меҳнат қилдим. Норқул ака энг қийин вақтларда ҳам доимо ўзига ярашиб турадиган табассум билан бизларга далда берар эди. У кишида қаттиқ гапириш, бировнинг кўнглини қолдириш, айниқса мижоз олдида ходимларни хафа қилиб уришиш одатлари йўқ эди.

Мана бир йилдирки, Норқул ака Қўлдошев орамизда йўқ. Агар у киши ҳаёт бўлганларида 22 февраль куни 48 ёшга тўлган бўлар эди. «От изини той босар» деганларидек, Норқул аканинг тўнғич ўғли Воҳиджон Ғаллаорол туман газ узатиш корхонасининг электралоқа бўлимида етакчи муҳандис бўлиб ишламоқда. Норқул аканинг ёрқин хотираси фарзандлари ва биз шогирдлари хотирасида сўнмас из қолдирган.

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Балки мен Норқул ака тўғрисида жуда кам ёзгандирман, лекин буларнинг ҳаммаси юракдан айтилган, самимий гаплар. Норқул аканинг таваллуд кунларида ушбу мактубим газетада босилиб чиқса, у кишининг руҳлари шод бўлар эди...

***А. ХОЛИҚОВ,***
***«Жиззах телеком» шуъба корхонасининг Дўстлик тумани филиали электромантўри***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**•Янгиликлар•Воқеалар•Хабарлар**

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18-20 февраль кунлари Украинага расмий ташриф буюрди.**

● Матбуотда «Украина Президенти Леонид Данилович Кучмани «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.

**● Канаданинг Оттава шаҳрида спорт фахрийлари ўртасида ўтказилган оғир атлетика бўйича биринчи жаҳон ўйинларида қатнашган мамлакатимиз оғир атлетикачилари катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳамюртимиз Камолиддин Панахов штангачилар мусобақасида жаҳон рекордини ўрнатди.**

● Озорбайжон Миллий мажлиси (парламенти) кўпчилик овоз билан ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**● Арманистонда шу йил 16 март куни давлат раҳбари лавозими учун бўладиган сайловларда 8 нафар даъвогарнинг номлари эълон қилинди. Улар орасида ҳозир президент вазифасини бажариб турган Роберт Кочерян ва Миллий демократик иттифоқ раиси Вазген Малакянлар бор.**

● Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немцов Россиядаги темир йўллар хусусийлаштирилмаслигини маълум қилди.

**● Тожик-афғон чегарасининг ҳудудларидан бирида қуролланган тўрт нафар шахс ўлдирилди.**

● Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель ва «Даймлер Бенц» концерни президенти Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега ўқ ўтмайдиган янги «Мерседес» машинасини совға қилдилар. Бу машина яқин кунлар ичида Тбилисига келтирилади.

## МУҲАНДИС

***Алоқа соҳасининг ривожланиши, жаҳондаги илғор техника ва технологиянинг ҳаётимизга кириб келиши кўп жиҳатдан бугунги олий маълумотли, ёш, иқтидорли мутахассисларимизга боғлиқ. Мухбиримиз ана шундай мутахассислардан бири — Қўқон шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи Мақсуджон ИБРОҲИМОВ билан суҳбатлашди.***

**— Мақсуджон, «Талабалик — олтин даврим» деган гаплар бор. Сиз шунга нима дейсиз?**

— Шахсан мен учун шундай бўлди. Институтга киришимнинг ўзи бир воқеа. Мактабда ўқиб юрган кезларимда аниқ фанларга, техникага қизиқардим. Оиламизда техникага қизиқадиган одам йўқ. Отам ҳарбий хизматга алоқадор ишда, онам эса оддий ишчи эдилар. Оилада олти фарзанднинг кенжаси эдим. Шунданми, ҳар қалай эркароқ эдим. Ўрта мактабни битирганимда ота-онам ва акаларим менга «юридический»га, «нархоз»га кир деб кўп гапиришди. Мен алоқа институтига кираман деганимда гапим уларга эриш туюлди, лекин қаршилик қилишмади. Насиб экан, Тошкент электротехника Алоқа институтига кириб олдим. Алоқа техникасига чинакамига қизиқиш институтдан бошланди. Мактабдагига қараганда ҳам бу ерда яхши ўқидим. 1984 йили ўқишни тугатганимда дипломдаги ўртача умумий баҳойим 4,85 бўлган эди.

**— Институтда яхши ўқиган экансиз. Сизни бу ерда қандай кутиб олишди?**

- Умуман бизда ёш мутахассисларга эътибор яхши. Менга қолса, шаҳарлараро телефон алоқасида қўлланиладиган кўп каналли алоқа воситалари билан ишлаш қизиқарли эди. Шаҳарлараро телефон станциясида эса бўш ўрин йўқ экан, шунинг учун раҳбарият менга АТСда катта электромеханик вазифасини таклиф этди. Икки йил АТСда ишладим. Мени темир йўл қошидаги сигнализация ва алоқа хизматига ишга таклиф этишди. У ерда шаҳарлараро телефон алоқаси билан шуғулландим. 1992 йили мана шу шаҳарлараро телефон станциясига телефон каналларининг техникавий кўрсаткичларини ўлчовчи муҳандис вазифасига ишга қабул қилишди.

Бу ердаги иш ҳам, техника ҳам кўп ва ранг-баранг эди. Мен учун анча жиддий энг муҳими айнан мен ёқтирадиган иш эди.

**— Корхонангизда кейинги йилларда амалга оширилган ишлар ва рационализаторлик таклифларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Алоқа техникаси кун сайин ўзгариб, такомиллашиб бормоқда. Шунинг учун хизмат муддатини ўтаб бўлган жиҳозларни янгиларига алмаштирдик. Жумладан, Қўқон-Тошкент, Қўқон-Фаргона йўналишларида 1974 йилдан буён ишлаб келаётган эски аппаратурани замонавийсига алмаштирдик. Монтаж, созлаш, ишга тушириш ишларини ўз кучимиз билан амалга оширдик. Бу йил Қўқон-Фарғона оралиғида Германиянинг Алкатель фирмасида ишлаб чиқарилган кўп каналлик радиореле станциясини монтаж қилдик ва ишга туширдик. Бу ишлар ҳам ўз кучимиз билан амалга оширилди.

Рационализаторлик таклифларига келсак, аввало шуни айтиш керакки, 1996 йили Қўқон бўйича 4 та таклиф берилган эди. 1997 йилда эса 18 та таклиф берилди. Улар орасида сим орқали ўтказиладиган кенгашлар стативининг озиқлантириш блокини ўзгартириш, телеграфда ҳам озиқлантириш тизимини ўзгартириш натижасида бутун бир стативнинг олиб ташланиши катта қулайлик яратибгина қолмай, электр энергиясини тежаш, иш жараёнларини осонлаштириш натижасида катта иқтисодий самара ҳам берди. Телефон каналларини текширадиган аппаратларнинг имкониятларини кенгайтириш, шунинг натижасида аввал ҳар беш минутда бир марта текшириш ўрнига ҳар ярим минутда автомат тарзда текшириб туриш, шунинг натижасида каналлардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш каби таклифларни киритдик ва амалда жорий этдик. Бу ишларда жамоамиз аъзолари, айниқса ёш, иқтидорли муҳандис Оқилжон Қурбонов, навбатчи муҳандис Маҳамаджон Халилов, катта электромеханик Манзура Камолиддиноваларнинг ҳам салмоқли ҳиссалари бор.

**— Яқин келажакдаги истиқболлар ҳақида ҳам гапирсангиз.**

- Ҳозир Тошкент-Қўқон-Фарғона оралиғидаги алоқа тизимини қайта таъмирлаш, замонавий алоқа ускуналари билан жиҳозлаш лойиҳаси яратилган. Лойиҳага кўра Тошкент-Ангрен оралиғида шиша толали кабел ўтказилиб, Ангрен-Қўқон-Фарғона оралиғида эса радиореле аппаратларининг энг мукаммал ва ишончли турларини ўрнатиш, натижада алоқа каналлари сонини ҳозиргига нисбатан деярли 10 баробарга ошириш, бир вақтнинг ўзида Тошкент телевидениеси дастурларини ҳам шу тизим орқали узатиш имконини берувчи алоқа мажмуасини яратиш арафасида турибмиз. Келгусида эса бошқа йўналишларда ҳам янги, замонавий техникаларни жорий этиш ниятимиз бор.

**— Ўқишни давом эттириш истагингиз йўқми?**

— Институтни битирган вақтимда аспирантурага ўқишга кириш ёки шу институтнинг ўзида ишда қолиш имконим бор эди. Институт домлалари орасида ишлаб чиқаришда ишлаб келган, катта амалий ва ҳаётий тажрибага эга кишилар ҳам бор эди. Кўпроқ шуларга ҳавасим келарди. Шунданми, ишлаб чиқаришга интилдим. Бунга афсусланмайман. Ҳаётдан, ўзимдан катта ҳамкасбларимдан жуда кўп нарса ўргандим. Қолаверса, юрагимнинг бир чеккасида ўқишга бўлган қизиқиш сўнгани йўқ.

***Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ***
***суҳбатлашди***

## ҚАЛДИРҒОЧЛАРДАН БИРИ...

Тошкент электротехника Алоқа институтига 1955 йили илк бор талабалар қабул қилинган эди. Орадан беш йил ўтгач, улар биринчи битирувчилар бўлишди.



Даставвал ана шу биринчи талабалар гуруҳи ҳозирги Тошкент Алоқа коллежи (собиқ Алоқа политехникуми) аудиторияларида дарс тинглашди, машғулотларда қатнашишди. Дам олиш кунлари эса талабалар ўзларининг жонажон институтлари учун бино қурилишида иштирок этишди. Улар кўпроқ мустақил билим олишга ҳаракат қилишарди, чунки ҳали мутахассис — ўқитувчилар, профессор ва доцентлар етишмас эди. Илм заҳматини талабалар ўз мураббийлари, муҳандис амалиётчилар билан бирга тортишарди. Уларнинг биринчи бўлиб муҳандис дипломини олишган вақтдаги қувончлари чексиз эди. Дастлабки битирувчилар алоқа корхоналари ва бошқа идораларда иш бошладилар. Уларнинг кўпчилиги эса институтда қолиб, республикамиз алоқа соҳаси учун мутахассис-ходимлар тайёрлаш каби ғоятда масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олишди.

Артур Германович Войцеховский ҳам Тошкент электротехника Алоқа институтининг биринчи битирувчиларидандир. У ҳам биринчилардан бўлиб бевосита ишлаб чиқариш жабҳасига отланди. Фарғона вилояти алоқа линия техника тармоғи бошлиғининг ўринбосари сифатида иш бошлади. Янги мутахассис учун бу вазифа бироз мураккаб, аммо завқли эди. Чунки ўз қўли билан алоқа қурилмаларини ўрнатиб, янги алоқа хизмати ташкил қилишнинг ўзгача бир гашти, завқи бўлади. У ана шундан ҳузурланар эди. Уни ҳатто шаҳар алоқа идорасига ишга ўтказишганда ҳам аниқ бир иш қилишга иштиёқи баландлигидан, линия алоқачилари билан биргаликда алоқа иншоотларига чиқар эди. Ана шу амалий меҳнат заҳматлари ва қувончлари Артур Германовичда маҳаллий алоқа тармоқларига нисбатан ўзгача бир меҳр-муҳаббат уйғотди.

У пойтахтга келиб, Тошкент шаҳарлараро телефон станциясининг муҳандиси, сўнгра бош муҳандиси сифатида ишлай бошлаганида фақатгина станция муаммолари билан шуғулланиб қолмасдан, вилоят ва туманлардаги ҳамкасбларига ҳам амалий ёрдам қилишга интиларди.

Республикамизда 70-йилларнинг бошларида электралоқа корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Мана шундай масъулиятли тадбирларда А. Войцеховскийнинг ишбилармонлиги қўл келди. У вилоят марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бир қатор туман ва шаҳарларда янги техникаларни жорий қилиш, улардан фойдаланишни йўлга қўйишда ўз ҳамкасблари билан жонбозлик кўрсатди. Алоқачиларнинг кекса авлод вакиллари ўша масъулиятли дамларда А. Войцеховскийнинг алоқа соҳаси ривожига қўшган ҳиссасини мароқ билан тилга олишади, меҳнатини қадрлашади.

Марказий шаҳарлараро телефон станциясида ўн йил мобайнида бош муҳандислик вазифасини бажариш осон юмуш эмас. Шунингдек, Артур Германович собиқ Алоқа вазирлиги маъмуриятида бошқарма бошлиғининг ўринбосари, бўлим бошлиғи вазифасида ҳам самарали меҳнат қилди. Кейинги йилларда у яна ўз жонажон ишхонаси — Тошкент телефон-телеграф станциясида ишлай бошлади. Мана у ўзининг муборак 60 ёшини яна ўша қадрдонлари даврасида, бош муҳандислик вазифасида кутиб олмоқда. У тармоқда янги техникаларни жорий қилиш, алоқа хизмати кўрсатишда юқори сифат ва иш унумдорлигига эришиш йўлида ҳормай меҳнат қилаётир. Ўз ишининг жонкуяри Артур Германовичнинг самарали меҳнати ҳукуматимиз мукофотлари билан тақдирланган.

Унга доимо ишда ҳам, оилада ҳам майин табассум, очиқкўнгиллик ҳамроҳдир. Ҳа, Артур Германович маҳоратли алоқачи, эзгу қалб соҳибидир.

***А. КУДИНОВ***

## «ИМПУЛЬС-С» ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҲИССАДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ МАЖЛИСИ 1998 ЙИЛ 19 МАРТ КУНИ СОАТ 15.00 да ЎТКАЗИЛАДИ.

### КУН ТАРТИБИ:

1. «ИМПУЛЬС-С» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил иш натижаларига кўра молиявий-хўжалик фаолият якунлари.
2. Тафтиш комиссияси далолатномаларини тасдиқлаш.
3. Аудиторлик ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 1997 йил якунларига кўра даромадни тақсимлаш ва дивиденд тўлашни тасдиқлаш.

«ИМПУЛЬС-С» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 1997 йил йиллик баланси (минг сўм ҳисобида)

| АКТИВ | | ПАССИВ | |
|---|---|---|---|
| МОДДА | пул миқдори | МОДДА | пул миқдори |
| 1. Узоқ муддатли активлар | 4152 | 1. Ўз капитали | 4190 |
| 2. Айланма активлар | 2374 | 2. Мажбурият | 2236 |
| Актив баланс бўйича жами | 6526 | Пассив баланс бўйича жами | 6526 |

Мажлис «ИМПУЛЬС-С» ҳиссадорлик жамияти жойлашган Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16-уйда ўтказилади.

***«ИМПУЛЬС-С» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Кузатув Кенгаши***

## ТАШВИШЛАРДАН ҲАЛОВАТ ТОПИБ

Дарахт бир жойда, инсон эса бир меҳнат жамоасида камол топади. Жума почта алоқа боғламасида мантўрликдан иш бошлаган Иброҳим Мирзаев келажакда шу касбда муқим бўлиб қолишни орзу қилди. «Орзуга айб йўқ» дейдилар. Ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент Алоқа коллежи почта бўлимини сиртдан ўқиб битирган тиришқоқ И. Мирзаев ўтган йиллар давомида «Торариқ», «Чархин» алоқа бўлимларини бошқариб, катта тажриба орттирди. 1995 йилнинг апрелида Жума почта алоқа боғламаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинланган Иброҳим Мирзаевнинг кундалик ташвишлари кўпайди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Пастдарғом туманидаги 19,5 минг нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 4,5 минг нафар кўп болалик оналар, кўпгина ногиронлар давлат томонидан берилаётган нафақаларини ҳар ойнинг бошида олиб туришибди. Ундан ташқари, обуначиларга 13200 нусха газета-журналлар ўз вақтида етказиб берилялти, аҳолидан электр қуввати, табиий газ, сувдан фойдаланганлик учун олинадиган тўловлар, суғурта пулларини йиғиш тўғри ташкил этилган. Аҳолига жўнатма, хат, шошилинчномалар кечиктирилмасдан етказиб берилялти.

Иброҳим Мирзаев қирқ йилдан буён ўз касбини эъзозлаб, Ермалай Шегай, Раббим Мусулмонов каби талабчан устозларининг ишончини оқлаб, Аминжон Ғаффоров, Ҳасан Намозов, Евгения Байриева, Марям Усанова, Ўрол Раҳмонов, Рустам Аллаев, Манзура Отаёрова, Гулсара Раҳмонова сингари ёш касбдошларига мураббийлик қилди. Меҳнат қилган элда азиз. И. Мирзаев ўтган йиллар мобайнида фахрий ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирланган. Умр йўлдоши Норбуви момо билан 40 йил ҳаёт кечириб, ўн нафар ўғил-қизни тарбиялади, ҳозирги кунда ўттиз нафар невараси бор. Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан жонкуяр қаҳрамонимиз Иброҳим ака «Ўз касбининг устаси» фахрий унвони билан мукофотланди.

***Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,***
***Самарқанд вилояти***

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

***Ҳурматли адажонимиз Ҳикматилла НИЁЗОВ!***

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Оллоҳдан узоқ умр кўриб, ҳамиша тўрт мучангиз омон бўлишини сўраб қоламиз. Доимо қувончли кунларимизни кўриб юринг деб

***фарзандларингиз номидан***
***ўғлингиз ХАЙРУЛЛА,***
***Қибрай тумани***

## ЭЪЛОН

*Тошкент Алоқа коллежида ташкил қилинган тайёрлов курслари 1998 йилнинг 2 мартидан ўз фаолиятини бошлайди. Мазкур курсларга 9-11 синф маълумотига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади.*

*Машғулотлар математика, она тили ва адабиёт фанларидан ўзбек ҳамда рус тилларида олиб борилади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 70 уй, Тошкент Алоқа коллежи. Қўшимча маълумотларни 41-42-33 рақамли телефон орқали олиш мумкин.**

***КОЛЛЕЖ МАЪМУРИЯТИ***

• Турмуш чорраҳаларида

# ДЎСТ САДОҚАТИ

Ҳаёт деб аталмиш буюк неъмат аслида бани башарга синов учун, билиб-билмай қилинган гуноҳлардан фориғ бўлмоғ учун, покланмоқ учун берилган. Одамзоднинг бошида ҳар хил кунлар бўлади: яхши кунлар, нохуш кунлар... Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дея бежиз айтилмаган. Синовлар эса гоҳо жиддий, гоҳо ўта шафқатсиз бўлиши мумкин. Шундай кезларда умидсизланмаслик, мувозанатни йўқотмаслик муҳимдир. Беихтиёр хаёлга шоирнинг ушбу мисралари келади:

*Агар сени алдаса ҳаёт,*
*Сен ноумид бўлма ҳеч қачон.*
*Ғамли кунга қилгин итоат,*
*Хушнуд кунлар келади, ишон!*

Одамзод бошига мушкулот тушганда, табиий, аввало энг яқин одамига, хайрихоҳ дўстларига мурожаат қилади, уларнинг ёрдами, мададидан умидвор бўлади. Инсоннинг инсонлиги ҳам ана шундай маҳалда билинади. Бундай кезларда ҳар қандай ишини йиғиштириб қўйиб, дўстининг ташвишига шерик бўладиган фидойиларни садоқатли, яхши инсон деймиз. Менимча, шундай одамлар борлиги учун ҳам ҳаёт мунаввар, яшаш завқли. Афсуски, беш қўл баробар эмас, нур бор жойда соя ҳам бор, бу мураккаб ҳаётда эзгулик билан қабоҳат омухтадир.

Университетни битиргач, пойтахтда ўзига яраша дурустгина обрў-эътибор қозониб, бинойидек ишлаб юрган таниқли қаламкаш дўстимиз Қамчибек Кенжа оилавий шароити ва саломатлиги туфайли туғилган юрти Андижонга кўчиб кетади. У ерда дарди оғирлашиб, касалхонага тушади. Узоқ муддат даволанишга тўғри келади. Андижонда унинг дўстлари кўп эди. Инсоннинг энг яқин, садоқатли дўсти барибир саноқли бўлади. Бу жиҳатдан дўстликни чин муҳаббат янглиғ камёб ҳодиса дейиш мумкин. Қамчибекнинг Баҳром Қорабоев деган яқин дўсти (муштарийлар эътиборига тушган, Андижонда Қамчибек Кенжа бош муҳаррирлигида чоп этилиб, республикамизда тарқатилаётган «Холис» газетаси аслида шу йигитнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати туфайли ташкил этилганди) бор эди. Бошга ташвиш тушганда яна шу дўсти асқотади. Баҳром дўстини йўқлаб туриш, камёб дори-дармонларни топиб, ёрдам бериш билан ҳам бурчини бажариши мумкин эди. Аммо Баҳром бу билан чекланмайди, бу билан кўнгли тўлмайди. У Қамчибек ётган хонага иккинчи каравотни қўйиб, бир неча ой шифохонада дўстининг дарду ҳасрати билан бирга яшаб, бирга нафас олади. Қамчибекнинг, оллоҳга шукур, оиласи, оқибатли қариндош-уруғлари ҳам бор эди. Бағрикенг, саховатли, садоқатли Баҳром бундай кезларда дўстга нима керак эканини, қандай руҳий мададга муҳтож эканини ўз қалби билан теран англайди. Дарҳақиқат, дўстнинг дийдори, меҳру садоқати дўхтирларнинг аччиқ дорисидан афзал чиқади. Қамчибек бутунлай соғайиб кетади ва яна илгаригидек илҳому иштиёқ билан ижодга берилади.

Баҳромнинг дўстларга садоқати фақат юқоридаги мисол билан чекланмайди, албатта. У ҳамиша дўстларнинг яхши-ёмон кунларида, тўй-тўлқинларида, марака-маросимларида бош-қош бўлиб туради. Шунчаки бир яхшилик қилиб қўйиш, бошқаларга яхши кўриниш учун қилмайди бу ишларни, бу унинг яшаш тарзи, имон-эътиқоди эди. Менимча, ҳақиқий дўстлик шундай бўлмоғи керак. Шундай дўстликка сазовор инсон эса бахтлидир.

Меҳр кўп кўргузган одам ўзи ҳам меҳр топади. Баҳромнинг ана шундай бағрикенглиги, саховатини дўстлари, жумладан Қамчибек ҳам юксак қадрлайди. Мен уларнинг дўстлигига чин дилимдан ҳавас қиламан. Айрим калтабин, дунёқараши чекланган кимсалар бу дунёда ҳақиқий, беғараз дўстлик йўқ, айниқса ҳозирги замонда ҳамма нарса ҳисоб-китобли деганида бундай гапларга ишонмайман, кўз олдимга дарҳол Қамчибек билан Баҳромнинг беғараз, беғубор дўстлиги келади. Аслида Қамчибекни Андижонга чорлаган, она юртида яшаб қолишга ундаган нарса ҳам ана ўша Баҳром, Турғунбой, Ҳасанбой, Ҳакимжон каби садоқатли, оқибатли дўстларнинг соғинчи, дийдори эди.

Дарҳақиқат, ҳақиқий, беғараз дўстлик инсоннинг капалак умридек қисқа ҳаётини янада сермазмун, файзли, серзавқ қилади. «Дўстсиз бошим — тузсиз ошим», «Пул орттирма, дўст орттир», «Дўст дўстни бошга иш тушганда синар» каби пурҳикмат халқ мақоллари бежиз яратилмаган.

Яқин дўстларимиздан бири ҳар гал дуо қилганида эзгу тилаклар қатори, «яхши дўстларимиз ҳисобига дўстларимиз кўпайиб, даврамиз кенгайиб бораверсин» дейди. Яхши ният кишига йўлдош бўлса, ижобат бўлаверар экан. Ҳар гал пойтахтдан она юртим — Андижонга жўнаётганимда Қамчибекнинг илгари Тошкентда бирга ишлашган ижодкор дўстлари юқорида номлари зикр этилган дўстларга қайта-қайта салом йўллайдилар. Андижондан кўп дўстлар орттирган ёзувчи акамиз Сафар Барноев Баҳромни соғинганини, яқин орада бориб қолажагини айтиб қолади.

Яхши дўстларимиз кўпаяверсин ва ўзимиз ҳам ана шу буюк инсоний туйғуга муносиб бўлайлик, азизлар!

**Шодмон ОТАБЕК**

• Ажаб дунё

## УЙЛАНИШ ЖИДДИЙ МАСАЛА

Собиқ каскадёр, эндиликда руҳоний баптист Гленн Скотти Вульф умр йўлдошини танлаш ғоят жиддий ва масъулиятли иш деб ҳисоблайди. Балки шунинг учун ҳам унинг ўзи 26 марта уйлангандир. Эҳтимол бу сафар ҳақиқатдан ҳам унинг омади келиб, оилавий тотувлик, осойишталикка эришар? Бироқ, олдинги хотинларидан туғилган 40 нафар фарзандини қандай боқиш хусусида лом-мим демайди.

## ХУДО УМР БЕРСА...

Иордан дарёсининг шимолий қирғоғида яшовчи фаластинлик Абдул Фаттоҳ Нассар ат-Тумейзи 130 ёшида вафот этган. Қария умрининг охиригача кўп ҳаракат қилган, фойдали меҳнат билан шуғулланган. Унинг оиласида 150 ўғил, невара ва чеваралари бор.

* * *

Шотландиянинг Глимник шаҳрида яшаган Жон Митчелл сайёрамизда уч асрни кўрган ягона инсон бўлса ажаб эмас. Митчелл 1596 йили дунёга келиб, 1722 йили — 126 ёшида ҳаётдан кўз юмган.

* * *

Америка фуқароси Вилли Деборининг ёши 125 да. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида ёзилишича, Вилли Дебори 1870 йилнинг 7 февралида дунёга келган.



*Кумуш қишнинг завқи ўзгача...*

• Машҳур кишилар ҳаётидан

## АВВАЛ ЖИМ ТУРИШНИ ЎРГАТАДИ

*Бир куни қадимги юнон файласуфи Арастунинг олдига жуда ҳам сергап бир ёш йигит келиб, унга нотиқлик санъатини ўргатишни илтимос қилди.*

*— Сендан бошқаларга қараганда икки баробар кўпроқ ҳақ олинади, — қовоғини солиб жавоб берди файласуф.*

*— Нима учун? — ҳайрон бўлди йигит.*

*— Чунки, сен билан икки баробар кўпроқ ишлашга тўғри келади: сенга сўзлашни ўргатишдан аввал, жим туришни ўргатишим лозим.*

## ИМПЕРАТОР ВА МАТБУОТ

*Наполеон Францияга император бўлгандан сўнг ўз котибасига ҳар куни эрталаб инглиз ва немис тилидаги газеталар асосида матбуот хабарлари тайёрлаб қўйишни тайинлади. Котиба бир неча маротаба император эътиборини француз газетасида берилган хабарларга қаратмоқчи бўлди.*

*— Сен бекорга овора бўлма, — деди Наполеон, — мен бу газеталарда нима ёзилганлигини биламан. Чунки улар мен нимани хоҳлаган бўлсам, фақат ўшани босадилар.*

## АФАНДИ ЛАТИФАЛАРИ

Насриддин афанди туш кўрибди. Тушида кимдир унга тўққиз танга узатибди. «Ҳеч бўлмаса ўн танга бер» дебди афанди. Бир маҳал у уйғониб кетибди, қараса кафти бўм-бўш эмиш. Шунда у дарҳол кўзини юмиб, қўлини чўзибди: «Майли, тўққиз тангани беравер».

* * *

Ўлим тўшагида ётган афанди хотинига дебди:

— Қани, хотинжон! Энг яхши кийимларингни кийиб, ясаниб ол, сочларингни юв, жилмайиб юр. Иложи борича ўзингни бежирим кўрсатишга ҳаракат қил, сўнг ёнимга кел.

Хотини афандига ҳайрон қолиб, дебди:

— Сени шундай оғир аҳволда қандай ёлғиз ташлаб қўяман? Ясанишга бало борми? Ўлсам ҳам бунга рози бўлмайман. Сен мени шунақа виждонсиз, ярамас хотин деб ўйлайсанми?

— Йўқ, хотинжон, — дебди афанди, — қаёқдаги бемаъни нарсаларни ўйлаб юрибсан. Мақсадим бутунлай бошқа. Кўриб турибманки, жоним омонат. Азроил атрофимда айланиб юрибди. Агар у сени шу фариштадай ясанган ҳолатда кўрса, мени тинч қўйиб, сени кўзлармиди...

* * *

Афанди қози эди, ҳузурига айёр, бой-бадавлат бир киши содда қўшнисини судраб келибди.

— Туш кўрсам, у мендан қарз экан. Сўрасам қарзидан тоняпти.

— Сен ҳақсан! — деди афанди бироз ўйга толиб. — Аммо қонунда тушдаги қарзни тўлаш кўзда тутилмаган. Бориб ухла. Мабодо яна ўша тушни кўрсанг, уйғонмай олдимга чопиб кел, шунда қарзингни ундириб бераман.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-01014. 15347 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

